

“Харидор” талабига кўра заруриятга караб сифат ва мувофиқлик сертификатлаш хавфсизлик, гигиена, санитария сертификатлари ва бошқа зарур хужжатлар “сотовчи” томонидан тақдим этилиши алоҳида белгилаб кўйилсин.

ТОВАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

“Сотовчи” мазкур шартнома конуний кучга киргандан сўнг келишилган товарни (озик-овкат маҳсулотини) З (уч) кун ичida “Харидор”га етказиб бериши шарт.

“Сотовчи” томони маҳсулотни “Харидорга” жўнатаётганлиги хакида хабарни олдиндан почта ёки алоқа воситалари оркали беришни ўз зиммасига олади.

Етказиб бериш муддати деб - маҳсулот ёки унинг партиясини “сотовчи” томондан кўрсатилган жойга етказиб берилиши лозим бўлган вакт оралиғи тушунилсин.

Етказиб бериш санаси деб – “сотовчи” томонидан етказиб беришнинг асосий (базис) шартлари бўйича ўз мажбуриятларини бажариш санаси тушунилсин.

ТОВАР ЁКИ МАҲСУЛОТНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ

Маҳсулотни топшириш деганда - маҳсулотни “Сотовчи” томонидан “Харидор” тассаруфига шартнома шартларига мувофиқ топширилишини тушуниш алоҳида белгилаб кўйилсин.

Товар ёки маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш ҳам микдор бўйича, ҳам сифат бўйича амалга оширилиши алоҳида белгиланиб, зарурият туғилганда, “Харидор” талабига кўра учинчи шахслар ёки зарур билимларга эга бўлган эксперталар ва мутахассисларни жалб қилиш бўйича берган талабини қондириш “Сотовчи” зиммасига юклатилади.

МАҲСУЛОТНИНГ ЖОЙЛАШ ТАРТИБИ

“Сотовчи” томонидан шартнома шартларида кўрсатиб ўтилган товар ва маҳсулотлар ўзаро келишувга кўра жойланади.

Томонлар шартнома предмети хисобланган товар ёки маҳсулотларни жойлаш, юкни ташиб пайтида унинг физик жиҳатдан шубҳасиз бутлигини таъминлаш чораларини кўрган бўлишлари шарт.

Бунда “Харидор” манфаатлари “Сотовчи” манфаатидан устунлиги алоҳида белгилаб кўйилсин.

РЕКЛАМАЦИЯ ШАРТЛАРИ

Рекламация- етказиб берилган маҳсулот сифати ёки микдорини шартнома шартларига номувофиқлиги муносабати билан “харидор”нинг “сотовчи”га эътиroz билдириши деб тушунилсин.

Рекламация холати юзага келганда “Харидор”нинг манфаатлари “Сотовчи” манфаатларидан устунлиги алоҳида белгилаб кўйилсин.

Нуқсонли маҳсулот (товарлар) аниқланган холларда, “Харидор” талабига кўра “Сотовчи” томонидан шартнома предмети хисобланган бошқа сифатли маҳсулотларни (товарларни) З кун муддат ичida алмаштириб бериш вазифаси юклатилсин.

Етказиб бериш ва алмаштиришга сарфланган харажатлар суммаси “Сотовчи” томонидан қопланиши алоҳида белгилаб кўйилсин.

КАФОЛАТЛАР

“Сотовчи” шартнома предметида кўрсатилган товар ёки маҳсулотларни сифати учун тўлиқ кафолат беради.

Ўз навбатида “Харидор” ҳам шартлашилган ва етказиб берилган товар ёки маҳсулотлар учун белгиланган суммани ўз муддатида тўлашга кафолат беради.

Томонларнинг кафолат мажбуриятлари мазкур шартнома амал қилиш муддатлари орасида кучда бўлиши алоҳида белгилаб кўйилсин.

МАҲСУЛОТНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Битимда етказиб бериладиган маҳсулотнинг келиб чиқсан мамлакати ва жойи кўрсатилади.

ТОМОНЛАРНИ ҲУҚУҚЛАРИ

“Сотовчи”ни ҳуқуқлари;

Шартноманинг шартлари “харидор” томонидан бузилган тақдирда етказиб берилган товар ёки маҳсулотни кайтариб олиб кўйиш.

“Харидор” томонидан ҳуқуқлари бузилган деган хulosага келганда, юридик ёрдам олиш учун тегишли идораларга мурожаат қилиши мумкин.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгалиги белгилаб кўйилсин.

“Харидор”ни ҳуқуқлари;

төлекчанинг шартлари "сотувчи" томонидан бузилган тақдирда товар ёки маҳсулот учун тўланган сумма миқдорини тўлиқ қайтарилишини талаб қилиш.

"Сотувчи" томонидан хукуклари бузилган деган холосага келганда, юридик ёрдам олиш учун тегишли идораларга (ўзининг юридик хизмат кўрсатиш бўлимларига) мурожаат қилиши мумкин.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа хукукларга ҳам эгалиги белгилаб қўйилсин.

ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

"Сотувчи"ни мажбуриятлари;

Шартнома шартларига тўлиқ риоя қилган ҳолда белгиланган вақтда "харидор"га товар ёки маҳсулотларни етказиб беради.

Етказиб берилаётган товар ёки маҳсулотни топшириш вақтида хисоб-варакаларини сифатли ва тўлиқ тўлдириш, зарур реквизитларни имло хатоларсиз, аниқ номини, маҳсулот нави, категориялари ва бошқа кўрсаткичларини тўлиқ кўрсатиши шарт.

Сифатли ёки нуксонли товар ёки маҳсулотларни етказиб берганлиги холатлари аникланган тақдирда, "харидор" талабига кўра шартнома предметида кўрсатилган товар ёки маҳсулотларни бошқа сифатлисига алмаштириши ёхуд товар ёки маҳсулотлар учун тўланган суммани қайтариши шарт.

Ўзининг қайта ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкротлик босқичида бўлганлигини шартнома тузилиши вақтида "харидор"ни тўлиқ огоҳлантириши.

Илгари тузилган шартномалар бўйича зиммасидаги мажбуриятларни лозим даражада бажармаган холатлари бўйича "харидор"ни огоҳлантириши.

Агарда "Сотувчи" томони таъсис этилганига олти ой муддат тўлмаган бўлса, бу ҳақда "харидор"ни олдиндан огоҳлантириб қўйилиши шарт.

Агарда "Сотувчи" томони амалдаги қонунларга мувофиқ давлат рўйхатидан (аккредитациясидан) ўтмасдан фаолият олиб бораётган бўлса, бу ҳақда зудлик билан "харидорни" огоҳлантириши шарт.

"Сотувчи" томон билан бошқа масалаларда тегишили Судларда ва бошқа инстанцияларда низоли холатлар бўйича тортишувлар давом этаётган босқичда бўлса, бу ҳақда "харидор"ни зудлик билан огоҳлантириши шарт.

Агарда "Сотувчи" товарларни учинчи шахслар орқали бартер асосида ҳисоб-китоб йўли билан амалга оширишини мақсад қилган бўлса, бу ниятини олдиндан "харидор"га етказиб қўйилиши шарт.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам амал қиласди.

"Харидор"ни мажбуриятлари;

Етказиб берилган товар ёки маҳсулотлар учун "сотувчи"га келишилган суммани шартнома муддатларида тўлиқ бериш.

"Сотувчи" томони шартнома шартларида кўрсатилган товар ёки маҳсулотларни қабул қилиш учун юборган тақдирда, уни ўз вақтида қабул қилиб олиш чораларини кўради.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам амал қиласди.

ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ (САНКЦИЯЛАР)

Томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини келишилган муддатда тўлиқ ёки кисман бажаришмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

Агар товар ёки маҳсулот кечикиб етказиб берилса, охиригача етказиб берилмаса, иш бажарилмаса ёки хизмат кўрсатилмаса, "сотувчи" иккинчи томон, яъни "харидор"га кечиккан ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмини 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди ва ушбу тўланадиган пенянинг умумий миқдори етказиб берилмаган маҳсулот, бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизмат нархининг 50 фоизидан ошмаслиги белгилаб қўйилсин.

Агар етказиб берилган маҳсулот, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат мазкур шартномада белгиланган стандартлар, техник шартларга мувофиқ бўлмаса, етказиб берувчидан (сотувчидан) талабга жавоб бермайдиган маҳсулот нархини 20 фоизи миқдорида жарима "харидор" хисобига ундирилади.

Агар товар ёки маҳсулот "харидор" талабига кўра комплект ҳолда етказиб берилмаса, "сотувчи"дан "харидор" хисобига комплект бўлмаган маҳсулот нархининг 20 фоизи миқдорида жарима ундирилади.

мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

ФОРС-МАЖОР ШАРТЛАРИ

Ушбу бўлимда мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қилувчи ва томонлар иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келган холатлар муносабати билан томонларнинг мазкур шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод этилиши эҳтмоллари кўзда тутилганлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

Фавқулотдаги холатларга сув тошқини, қор кўчкиси, сув босиши, ёнгинлар, зилзила, бошқа кўринишдаги табиий оғатлар, турли кўринишдаги эпидемиялар, мураккаб об-хаво шароити, шунингдек, бошқарилиши мураккаб бўлган криминоген ва техноген вазиятлар, террорчилик актлари, оммавий тартибсизликлар, бундан ташқари, томонлар назорат қилиш кобилиятига ээга бўлмаган бошқа ҳар кандай холатлар тегишлигидир.

Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч бир ой давомида узлуксиз давом этса, томонлар бир-бирларини ёзма шаклда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкинлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

Томонлар фавқулотдаги холатлар туфайли мазкур шартномада кўрсатилган шартларни бажармаслик сабаблари ҳақида албатта иккинчи томонни почта ёки алоқа воситалари орқали (ёки бошқа кўринишда) зудликда огохлантиришлари шарт.

“Форс-мажор” холатини юз берган жойдаги ваколатли давлат идоралари томонидан берилган расмий ёзма шаклдаги “маълумотнома” юридик кучга эга эканлиги белгилаб қўйилсин. Шу ўринда мазкур шартномада “харидор” бўлиб иштирок этаётган томон ҳам ваколатли давлат идораси эканлиги эътироф этилиб, у томондан такдим этилган ёзма шаклдаги “маълумотнома” юридик кучга эга эканлиги белгилаб қўйилсин.

ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ

Мазкур шартномани бажариш, ўзгартериш, янги қоидалар киритиш ва бекор қилишда пайдо бўладиган низоли холатлар томонларнинг ўзаро келишувига кўра “дўстона” ҳал этилиши белгилаб қўйилсин.

Томонлар келишмаган тақдирда тегишли судлар орқали амалдаги Ўзбекистон Республикаси конунлари асосида ҳал этилади.

Низоли холатлар юз берганда томонлар ўзаро келишувга эришиб, айбор томон ҳақдорга келтирилган зарар микдорларини тўлаган тақдирда амалдаги қонунчилик асосида низоли холатлар бартараф этилиб, шартнома муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин бўлади.

ТОМОНЛАРНИ РЕКВИЗИТЛАРИ

Томонларни реквизитлари деганда - шартнома матни томонларнинг реквизитларини кўрсатиш билан якунланиши, унда почта реквизитлари, манзил, банк ва жўнатиш реквизитлари кўрсатилиб, шартнома икки томоннинг имзолари ўз муҳрлари билан тасдиқланганлиги тушунилсин.

Ушбу шартнома 20~~22~~ йил «22» шоди дан 20~~22~~ йил «31» декабр гача тузилди.

“Сотувчи”

“Харидор”

Даражаро тумон Конимиши
Даражаро шах. Тошкунга сизди
х/р 305022860302367109601018009
ИИТ 0045081 МФО: 00014
Маркази Банк Тошкент
Рахбар

ЭШ Можиҳамидов

«Водий-Шарқ» х/ф

Х/р: 20 208 000 304 298 284 001

Банк: Тошкент ш. АТБ ККБ АБ

Мфо: 01037 Иин: 204 785 684

Манзил: Фаргона ш. Б.Марғоний 206

Рахбар: Каримов А

Юрист

Реяни

З. Наимова